

Лондонда ҳижоб фалсафаси билан танишув мавзуида махсус курс ташкил этилмоқда



15:31 / 11.07.2019 2211

Буюк Британия пойтахти Лондонда ҳижоб фалсафаси билан танишув ва ғарб жамияти олдида турган масала билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш мавзуида бир кунлик махсус курс ўтказилади. Бу ҳақда Event Bride ахборот сайтига таяниб iqna хабар беради.

Хабарда айтилишича, исломий таълим ва ижтимоий фаоллар томонидан ташкил этилаётган тадбирда муслима қизлар ва уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этадилар. Ушбу тадбир 14 июль куни, Лондоннинг Илфор шаҳридаги Ал-Ансор таълим марказида бўлиб ўтади. Тадбир ташкилотчилар томонидан махсус дастурлар ва маърузалар ёрдамида олиб борилади.

Islom.uz портали таҳририяти